



UZBEKISTON
RESPUBLICASI
MILLIY Axborot Markazi
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
19 декабрь
ШАНБА
№ 101
(12.217)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2010 йил – Баркамол
авлод йили

БУГУННИНГ БАХТИЁР ЁШЛАРИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2010 йилни мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилди.

Баркамол авлод – жамият тараққиётининг асосидир. Шу боис юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом авлод деганда, аввало, соғлом насл, жисмонан бақувват, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлод тушунилади. Мантиқан бир-бирига ҳамохан бўлган "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да ҳам баркамол авлод тарбияси, унинг манфаатларини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этди.

Юртимизда ёшлар ҳуқуқларини барча соҳаларда ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилди. Айни чоғда ушбу ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Қабул қилинган барча қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ягона ғоя мўҳкам. Бу ғоя, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёт, яъни жисмоний ва маънавий етуқ авлод шаклланиши ва ўз имкониятларини ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва ман-

фаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро chambarchas bogʻlangan ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги, янада юқори босқичга кўтарилди.

Янги таълим масканлари замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилган. Ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг маънавий шарафидини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурининг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қўлияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига асосан юртимизда 10 декабрдан ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди. Ойлиқни ўтказишдан асосий мақсад йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир.

Ҳозирги кунда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари, ҳайдовчи, пиеда ва болалар ўртасида профилактик тадбирлар ўтказилиб, жойларда транспорт воситаларининг техник ҳолатини ва йўлларнинг аҳолини яхшилаш чоралари кўриломоқда.

Жумладан, Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ томонидан "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" тадбирини

ўтказиш режаси ишлаб чиқилди ва шаҳар, туман ички ишлар идоралари ходимларига кенг жамоатчиликни тадбирга жалб қилиш вазифаси юклатилди. Ойлик иш режасида ҳайдовчилар, пиедалар, ҳаракатнинг бошқа иштирокчилари ўртасида йўл ҳаракати интизомини кучайтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ инспектори Сейтбек Алимов хизмат пайтида.

Даврон АХМАД олган сурат.

Долзарб мавзу

ЎҚУВЧИ СУМКАСИДАГИ ТЕЛЕФОН

Унинг фойдали ва зарарли томонлари
хусусида айрим мулоҳазалар

Дастлаб телефон ихтиро қилинганида кўпчилик унинг истибқобига шубҳа билан қараган, одамлар бир-бирини кўрмасдан мулоқот қилишига ишониб қийин бўлган экан. Аммо инсониятнинг узогини яқин, оғирини енгил қилишда телефон беқийс аҳамият касб этди. Йилдан-йил такомиллашиб бораётган бу алоқа воситаси бугунги кунда одамлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Телефоннинг жуда тезлик билан оммалашшида мобиль телефон тармоғининг кашф этилиши алоҳида аҳамият касб этгани ҳам шубҳасиз.

Техника тараққиётининг жадал ривож мобиль те-

лефон имкониятларини тобора кенгайтирмоқда. Бу эса одамларнинг, аввало, ёшларнинг, бу мўъжаз "кути"га бўлган қизиқишини кучайтираётди. Мобиль телефон ҳозир одамлар учун нафақат алоқа, балки соат, календарь, калькулятор, почта, мусика, фотоаппарат, видеокамера, радио, телевизор, интернет, блокнот, иш жадавали ва ҳоказо хизматларини тақдим этмоқда. Унинг кичкина дисплейи орқали бутун дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабар топиш, "bluetooth" орқали бошқа телефонларга хабарларни, файлларни жўнатиш, қабул қилиб олиш (хатто компа-

МАҲАЛЛА:

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ НОЁБ ШАКЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролари йигинларининг ўрни ва вазифаларини амалда кучайтириш ислохотларининг устувор йўналишларидан бири эканлиги алоҳида қайд этилган эди.

Дарҳақиқат, Истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масаласи давлатимиз сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб келмоқда. Бу борада зарур бўлган ҳуқуқий асослар ва қарорлар тизими яратилди.

Хусусан, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. 1999 йил 14 апрелда эса ушбу қонуннинг янги таҳрири амалга киритилди.

Унга асосан ўзини ўзи бошқариш деганда – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз

манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолият олиб бориш ҳуқуқи тушунилади.

Ўзбекистонда маҳалла каби ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий институтнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлган ва шу кунгача сақланиб қолган. Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра теранроқ маънони англатади. Маҳалла руҳи республикамизда яшовчи ҳар бир киши дилига сингиб кетган.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

Зангиота туман фуқаролик ҳолати дололатномаларини ёзиш бўлимининг маросимлар залида "Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш – туғма ва ирсий касалликлар ўчоғидир" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАГАН МАЪҚУЛ

У давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 июндаги "Болаликдан дололатномаларини ёзиш бўлимининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳиятини аҳоли орасида янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида уюштирилди. Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган анжуманда адлия, соғлиқни сақлаш, таълим тизими мутахассислари, хотин-қизлар, маҳалла қўмиталари, ФХД вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Фойдали маърузалар, эркин савол-жавоб ва фикр алмашувлар семинарнинг қизиқарли руҳда ўтишини таъминлади.

Ўз мухбиримиз.

САЙЛОВ ОЧИҚ ВА ОШКОРА ЎТИШИГА ИШОНАМИЗ

Жорий йил 27 декабрь кuni бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин кузатувчи кузатиб бориши кутилмоқда. Мамлакатимизга келган баъзи кузатувчиларнинг дастлабки таассуротлари билан қизиқдик.

Евгений СЛОБОДА, МДХ Кузатувчилар миссияси штаб раҳбарининг ўринбосари:

– Мамлакатимизда сайлов жараёنларига пухта тайёргарлик кўрилгани, барча шариот яратилганининг гувоҳи бўлдик. Сайловнинг очиқ ва ошқора ўтишини таъминлаш мақсадида кўплаб хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар тақлиф этилгани диққатга сазовор. Бу сайловнинг ҳаққоний ўтишига ишончли оширади.

Биз сайлов қонунчилиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга қиртилган ўзгаришлар ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти, сайловга тайёргарлик куриши ва уни ўтказиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишдик.

Ҳар бир давлат ўз сайлов тизимини яратиш ва

жорий этиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, инсон саломатлигини яхшилаш масалалари назарда тутилиб, 15 депутатлик мандати Ўзбекистон Экологик ҳаракати аъзоларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан МДХ Кузатувчилар миссияси ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Миссиямиз турли вилоят ва шаҳарларда бўлиб, депутатлик номзодларнинг, сиёсий партияларнинг сайлов олди ташвиқотлари билан яқиндан танишишни режалаштирган.

Мен Ўзбекистонда 2004 йили парламент ва 2007 йили бўлиб ўтган президент

27
декабрь –
сайловлар кuni

сайловларида иштирок этганман. Ушанда сайлов участкаларининг мухташам саройларда, муассасалар, идора ва ташкилотларнинг, ўқув юрларининг замонавий биноларида, маданият уйларида ташкил этилганини кўриб, Ўзбекистонда сайловчиларнинг эркин овоз бериши учун яратилган қўлай шарт-шариот ва имкониятларга ҳавасим келган эди.

Ўзбекистон, хусусан, Тошкент шаҳри йил сайин гузаллашиб бораётди. Бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Ўза мухбири Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

Газета ва газетхон

Тахририят ходимларининг газета муштарийлари билан бўладиган юзма-юз учрашувлари ҳамisha самимий, кўтаринки руҳда кечади. Негаки, газетхон фикри, муносабати тахририятнинг келгуси фаолияти, ижодий режаларини белгилаб олишида сув ва ҳаводек зарур. Ўз навбатида, бундай учрашувлар газетанинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши, ижодкорларнинг оддий инсонлар қувонч ва ташвишлари, ўй-хаёллари билан яқиндан танишишларида муҳим аҳамият касб этади.

СОҒИНИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари тахририяти ходимларининг юрчиричилик муштарийлари билан учрашуви ҳам ана шундай самимий руҳда кечди. Туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ҳудуддаги умумтаълим мактабларида тахсил олаётган иқтидорли ўқувчилар, адабиёт фани ўқитувчилари, маънавий тарғиботчилари ва

барча қизиққанлар иштирок этишди.

Газеталар бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Ғайрат Шералиев йигилганларга отахон тахририятнинг ўтмиши ва бутуни, келгуси иш режалари ҳамда обуна мавсумида муштарийлар учун яратилаётган енгиллик ва қўлайликлар ҳақида қисқача сўзлаб берди. Муштарийлар ҳам сўз олиб, газеталар мазмун-

мундарижасини янада боийтиш, ўзларини қизиқтирган мавзулар ҳақида тўқиниланиб гапиришди. Ёш қаламаш ўқувчилар эса ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Тахририятимизнинг фаол ижодкорларидан бўлган таниқли шоирлар Шавкат Туроб, Ашуралӣ Боймурод ҳамда журналист Абдузхўр Қорабоевнинг чиқишлари учрашув иштирокчиларига

ғоят манзур бўлди.

Энг фаол обуначиларга "Тошкент ҳақиқати" газетаси тарихи ва бугунги ҳаётидан ҳикоя қилувчи "Давр кўзгуси" китоби тўхфа этилди.

СУРАТДА: муштарийлар газетанинг янги сони билан танишмоқдалар.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

2010
йил учун
ОБУНА
давом
этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг
индекси –
205.



